



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2016-yil 7-yanvar, payshanba,

01 (633)-son

e-mail: xxi_asr@umail.uz
web sayt: www.21asr.uz

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

- Муносабат**
«Биз ҳам катта минбарларга чиқамиз» **3▶**
- Депутатлик гуруҳларида**
Ҳоким ўринбосарининг дастлабки сарҳисоби **4▶**
- Қуйи бўгинларда**
Самардорлик амалий ишларда намоён **5▶**
- Ҳаёт ҳақиқатлари**
Ўз эҳтиёжини ўзи таъминлаш тараддуди **7▶**
- Бизнес-башорат**
Маймун йили тadbirkorларга нималарни инъом этади? **8▶**



Солиқ ЗОИР олган сурат

Қўмита «имтиҳон» топширди

Аввал хабар берганимиздек, парламент қуйи палатасидаги Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси 2015 йилдаги фаолиятини ОАВ вакиллари ҳузурда сарҳисоб қилди. Қўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Эшназаров дастлаб йиғилганларни Янги йил билан қутлаб, амалга оширилган ишлар ҳусусида ахборот берди.

— Мамлакатимиз тараккиётида муҳим из қолдирган 2015 йил қўмита фаолиятида ҳам амалий ишлар билан ёнда колди, — дейди Т. Эшназаров. — Хусусан, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил этиш асосида улардаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш бо-

расида билдирилган тақлифлар асосида соҳага оид барча қонунлар инвентаризациядан ўтказилди. Йил давомида соҳага оид 1 та кодекс ва 16 та қонун қайта кўриб чиқилди. Мазкур йўналишдаги таҳлиллар натижаси эса бу борада айрим камчиликлар борлигини кўрсатди. Жумладан, баъзи қонунлар бугунги кун талабига жавоб бермаслиги, мазмунан

эскирганлиги, соҳадаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида ўзаро зиддиятлар мавжудлиги шулар жумласидандир. Айтиши жоизки, ушбу нуқсонлар қонун ижодкорлиги жараёнида бартараф этиб борилаётган. Зеро, қабул қилинаётган қонунлар қанчалик мукамал бўлса, бундан халқимиз ҳам, давлат ва жамяят ҳам фақат манфаат кўради.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бирок қонунни қабул қилиш бошқа, уни ҳаётга ижро этиш билан татбиқ этиш тамоман бошқа масала. Анжуманда шу фикрлар билдирилганидан сўнг муҳокамапарламентнинг назорат функцияси ва бу борада қўмита томонидан амалга оширилган ишлар ҳусусида кечди.



КЕЛГУСИ СОНДА

Жонкуяр депутатнинг қатъияти

ЁХУД СЕССИЯГА КИРИТИЛГАН УЧТА МАСАЛА ВА ТўРТТА ЭШИТУВ ҲАҚИДА

Муборак шаҳрида болалар истироҳат боғи йўқлиги маҳаллий кенгашга партиямиздан сайланган депутат Панжи Жалиловни ташвишга солиб келарди. Шундай катта қорхоналар жойлашган ҳудудда бирорта ҳам дам олиш гўшаси фаолият кўрсатмаётганлиги ҳақиқатан ажабланирли. У баъзи йиғилишларда бир неча бор бу ҳақда айтса-да, ҳеч қандай натижага эриша олмади. Шундан сўнг масалани халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳига олиб чиқди. Партия вакиллари томонидан мазкур мавзу чуқур ўрганилиб, муҳокама этилди ва депутатнинг қатъий сазъ-ҳаракатлари билан сессияга киритилди. Сессия қарори билан эски сайилгоҳ капитал реконструкция қилиниб, жиҳозланб, болалар ихтиёрига топширилди.

Фармон ва ижро «Ягона дарча» маркази очилди

Давлатимиз раҳбарининг байрам табригида «2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, ҳосиятли ва самарали бўлиши» учун макро ҳамда микроиқтисодийнинг барча соҳалари қатори кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни изчил ривожлантириш кераклиги кўрсатиб ўтилгани бежиз эмас.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жалал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони аниқ йўналишда туб бурилишларга йўл очиб бермоқда. Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида жойларда «Ягона дарча» марказлари тасвир этилмоқда. Худди шундай замонавий марказ Эллиқалъа туманида ҳам очилди. Унга Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган минимал талабларнинг III-тини бўйича туман ҳокимлигининг биринчи қаватидан умумий майдони 140 квадрат-метрга эга бўлган хоналар ажратилди. Алоҳида кириш эшиги ва машиналар учун тўхташ жойлари белгиланди. Марказ зарур жиҳозлар, компьютер техникаси, жумладан, 2 Мб/с

тезликка эга бўлган интернет билан таъминланди ва миллий сегмент маълумотларини узатиш (TAS-IX) тармоғига уланди. Марказ фаолиятини тўлақонли равишда ташкил этиш учун 8 нафар олий маълумотли малакали ходим тандлаб олинди. Аини кунда марказ тadbirkorлик субъектларига 16 турдаги давлат хизматларини юқори савида кўрсатяпти. — Ҳозирги кунда бизда 2267 тadbirkorлик субъекти бор, — дейди Эллиқалъа туман ҳокимлиги ҳузурдаги «Ягона дарча» маркази раҳбари И. Бобожонов. — Биринчилардан бўлиб бу янги хизмат туридан «Дониёрбек Давлатбек ўғли» оилавий қорхонаси, «Эллиқалъа боғи» фермер хўжалиги, яқна тadbirkor Д. Нормиров фойдаланди. Янги иш услуби тadbirkorларга кўрсатилаётган хизматларнинг муддатини бир неча баробарга қисқартириб, сифати ва самардорлигини ошириш имкониятини берди.



Эришилган марралар хотиржамликка асос бўла олмайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг янги таркиби иш бошлаганига роса бир йил бўлди. Қонун ижодкорлари шу йил давомида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим аҳамият касб этувчи 60 та қонун лойиҳасини тайёрлаб, қабул қилдилар. Уларнинг аксарияти Президентимиз томонидан имзоланиб, қучга кирди. Ушбу жараёнда энг кўп депутатлик ўрнига эга О'zLiDeP фракцияси ҳам фаол иштирок этди. Парламентдаги мухбиримизнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Адҳам ШОДМОНОВ билан янги йилдаги илк мулоқоти мазкур сазъ-ҳаракатларнинг тафсилотлари ҳусусида бўлди.

— Адҳам Хурсанбаевич, суҳбатимизни бевосита О'zLiDeP фракциясининг ҳисобот давридаги фаолиятдан бошласак, нима дейсиз? — Аини мудоао. Ҳар қандай меҳнат самараси сарҳисобда аён бўлади. Биз ишни Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисдаги маърузаларидан келиб чиқиб, палатамизнинг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тadbirkorлиги, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти дастури асосида бошлаганимиз.



Фракция фаолияти

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси

Кеча, газетамизнинг янги йилдаги илк сони нашрга тайёрланаётган дақиқаларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда долзарб аҳамият касб этувчи бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шулар сирасига қиради. Айтиши жоизки, мазкур қонуннинг қучга кириши натижасида «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуннинг 20 ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддалари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси билан мувофиқлаштирилди.

(Мақоланинг давомини кейинги сонда ўқишингиз мумкин.)



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

«Мустақиллик» посбони — биринчи

Она юрт муҳофазаси. Бу тушунча ҳар биримизнинг онгу шууримизда эзгу туйғуларни уйғотади. Беихтиёр энтикаемиз. Ватан ҳимояси фақат ҳарбийлар ёки елқасида «юлдузи» бор инсонларнинггина вазифаси эмаслигини теран англаймиз. Зеро, ота макон — туғилган элнинг муҳофазаси барчамизнинг муқаддас бурчимиз. Аиниқса, жамоат ташкилотлари бу борани ўрнат қўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бўлғуси Ватан ҳимоячилари айнан жамоатчилик кўз олдида вояга етиб, камол топади.

Хўш, аини йўналишда О'zLiDePчилар нима қила-япти, деган савол туғилиши табиий. Ҳозирча битта жавоб билан чекланамиз. Масалан, қуни кеча О'zLiDeP Тахтақўпир туман кенгаши томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларидаги бошланғич партия ташкилотларида «Энг яхши маҳалла посбони» танлови ўтказилди. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган танловда МФЙда фаолият олиб бораётган посбонларнинг ўз худудида аҳоли тинчлигини таъминлаш, ёшларимизни оғоҳликка чакирини, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида олиб борган ишлари самараси Ҳакамлар хайяти томонидан баҳоланди.

— Ватанимиз сарҳалла-ри дахлсизлигини асраш, жойларда осойишталикни сақлашда сафдош-посбонларимизнинг ўрни алоҳида, — дейди О'zLiDeP Тахтақўпир туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Марат Шербеков. — Муросасиз кечган танловда маҳалла фуқаролар йиғинларидаги БПТлар вакиллари орасидан ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

— Ушбу танловда биринчи ўринни олганимдан хурсандман, — дейди «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини посбони Т. Айтмбетов. — Фурсатдан фойдаланиб, барча сафдошларимизни Ватан ҳимоячилари куни байрами билан чин дилдан қутлайман. О'zLiDeP Қоракалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

Сафдошлар суҳбати

«ХОРИЖНИКИ ЗўР» деган тушунчадан ҚУТУЛИШ ВАҚТИ ЕТДИ

ёхуд «келинг, келишайлик»чилар иллатлар урчишига улуш қўшаётгани ҳусусида

Бундан ўн икки йил муқаддам тadbirkor ва фермерлар, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари билан иборат бир гуруҳ юртдошларимиз мулкдорлар манфаатини ифодаловчи сиёсий партия тузиш ташаббуси билан чиқишганди. Мустақиллигимизнинг илк

йилларидан буён хусусий бизнес билан шуғулланаётган тadbirkor Тўрабек НАЗАРОВ ана шу ташаббускорлардан биридир. О'zLiDeP ташкил бўлганидан кейин у парламент қуйи палатасига партиямиздан депутат этиб сайланди. Партиянинг Олмазор туман кенгаши

раиси бўлиб ишлади. Бугунги кунда у О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи раҳбари, «Тошкентмебель» хусусий қорхонаси директори.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 5 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғичона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади.
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмайди.

1 Австралия доллари	2036,31	1 АҚШ доллари	2816,47	1 Хитой юани	432,76	1 Польша злотийси	714,73	1 ЕВРО	3087,69
1 Англия фунт стерлинги	4145,84	1 Миср фунти	359,70	1 Россия рубли	38,62	1 СДР	3902,86	10 Жанубий Корея вони	23,78
1 Дания кронаси	410,38	1 Исландия кронаси	21,70	1 Украина гривнаси	117,35	1 Туркия лираси	962,73	10 Япония иенаси	235,51
1 БАА дирҳами	766,80	1 Канада доллари	2028,13	1 Малайзия ринггити	651,81	1 Швейцария франки	2820,13		

МУНОСАБАТ

Хайрли ишлар бардавондир

Истиқлол йилларида мамлакатимиз тиббиёти ҳам тарққийёт сари юз тутди. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли халқаро андозларга мос, аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қодир миллий соғлиқни сақлаш тизими шаклланди. Хусусан, бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолияти такомиллаштирилгани, шовилинч тиббий ёрдам тармоғи барпо этилгани, ихтисослаштирилган даволаш-профилактика масканлари ишга туширилгани, фармацевтика санвати ривожлантирилгани юртдошларимиз соғлиғини муҳофазалаш даражасини янада ўстириш имконини берди.

Солижон МҲИНОВ,

Олий Мажлис Сенати аъзоси.
Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси

Тиббиётдаги янгилашларни Наманган мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чунинчи, бирламчи тиббий-санитария хизмати нақадар юксалганини ҳар бир кишида фаолият кўрсатаётган врачлик пунктлари тасдиқлаб турибди. Бугунги кунда вилоятда 329 та даволаш-профилактика муассасаси бўлса, улардан 217 таси КВП-дир. Шунингдек, 35 та шифохона ва сихатох, 13 та оилавий поликлиника, 8 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази фаолият юритмокда.

Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида» 2014 йил 1 августдаги қарори ижросини таъминлаш чоралари изчиллик касб этмокда.

Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида» 2014 йил 1 августдаги қарори ижросини таъминлаш чоралари изчиллик касб этмокда.

Инвестиция дастури асосида тиббиёт муассасалари моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланаётгани ҳам эътиборга молик. Жумладан, вилоятда кўп тармоқли тиббиёт маркази, болалар кўп тармоқли тиббиёт ҳамда кардиология марказлари, вилоят онкология дистансери, Янгиқўрғон ва Мингбулок туманлари марказий

шифохоналари реконструкция қилинди. Зеро, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағлари салмоғи тобора ортиб борапти. 2015 йилнинг ўзида 17 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қўркам қиёфа касб этган муассасаларимиз «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмокда. Баён этилган мазкур ўзгаришлар эса шифокорларнинг билим ва кўникмаларини янада бойитишни тақозо этмокда. Тиббиёт олийгоҳлари, тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда татбиқ қилинаётган «Маҳорат дарслари» ижобий самара бераптир. Шунингдек, вилоятдаги қўйлаб даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилган кўргазмали машғулотлар чоғида пойтахтимиздаги клиникаларда амалга оширилган ўнлаб мураккаб жараёнлар бажарилиди. Натижада маҳаллий шифокорларнинг тажрибаси ортиб, эндиликда бир қанча янги амалиётлар худуддаги шифохоналарда муваффақиятли ўтказилмокда.

Кези келганда, бир жиҳатта эътибор қаратмоқчиман. Давлатимиз раҳбарининг Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини диққат билан тинглар эканман, Конституциямизда аке этган улдувор мақсадлар ҳаётда ўз ифодасини топаётганлиги, ҳукукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўли-



Дарҳақиқат, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди.

Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди. Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди.

Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди. Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди.

Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди. Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояладиган идоралар макони, фаолият ва усулларини аниқлаштириш фурсати эди.

«Биз ҳам катта минбарларга чиқамиз»

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини телевидорда тинглаган, матбуотда ўқибор-ўрганган минг-минглаб ёшларнинг азму шижоатга тўла мақсади ана шундай. Эътиборли томони, улар орасида O'zLiDeP аъзолари, аниқроғи, партия «Ёшлар қаноти» фаоллари кўпчилики ташкил этади.

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Гап шундаки, юқорида тилга олинган тадбирда Юртбошимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омилли сифатида одамлар онгу тафаккурда рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётгани хусусида мушоҳада юритар экан, бугун мустақил ва

янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги қуни, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандлар катта минбарларга чиқаётганини таъкидлагани навқирон авлод вакиллари қалбид аке-садо бериб, уларни ҳам илдор тенгдошлари қаторида бўлиши ундамокда. Жумладан, ҳаётини қараш ва интилишларини O'zLiDeP ғоялари билан уйғун қўрган қуйидаги ёшлар ҳам матбуот минбарини давлатимиз раҳбари қайд этган катта минбарларнинг илполаёси, деб ҳисоблашмокда.

Сарвиноз ШОКИРОВА, Сирдарё вилоятидаги «Сарвиноз Собирқонова фойзи» фермер хўжалиғи раҳбари:

— Маърузада бундан 18 йил олдин қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, сал кейинроқ ҳаётга жорий этилган Мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий дастурининг аҳамияти аниқ мисолларда тушунириб берилгани мен каби ёшларнинг ислохотлар ҳоҳиятини англаш билан боғлиқ дунёқарашини янада кенгайтирди, деб ўйлайман. Таълим-тарбия соҳасида эски қолип ва асоратлардан воз кечилганини чиндан-да ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган тарихий воқеа бўлганини бизга

сабоқ берган муаллимлар ҳам айтишган. Президентимиз уларга алоҳида миннатдорлик билдиргани бежиз эмас. Чунки айнан устозларнинг қуйинчақлиги туфайли, масалан, мен ёш фермер, дўстим эса ёш тадбиркор сифатида танилдим.

Ҳозир кўп тармоқли субъектнинг раҳбариман. 53 гектар ерим бор. Қўйлаб тенгдошларимни ёш билан таъминлаганман. Ишчи-ҳодимлар орасида коллежлар битирувчилари талайгина. Улар билан бирга нияҳонига етган 2015 йилги қишлоқ хўжалик мавсумида, пахта ёшиллари кўя турунг, ихчамгина боғимиздан 20 тонна мева ҳосили олдим. Бу қўшимча даромад эканини бугун фермер бўл-



Давронбек ЖАЛИЛОВ, Фаргона вилоятидаги «Давр дурдона мебель» МЧЖ раҳбари:

— Юртбошимиз таълимга қаратилган эътибор, навқирон авлодга ўзини кўрсатиш учун яратилган шароитлар ҳақидаги фикрини қуйидаги жумла билан тугатганида муҳташам қошина самимий олқишларга қўлгангани кўз олдимда турибди: «Ўзингиз айтинг, азиз дўстларим, шунинг ўзи эртанги кунимизнинг энг мустаҳкам пойдевори эмасми?»

Дарҳақиқат, шундай. Мисол учун, менинг фаолиятимни олайлик. Ёш бўлсам-да 18 нафар кишига бошқис-нес-режаларимда ишчилар сонини

50 нафарга етказиш, кўпроқ коллежлар битирувчиларини жалб қилиш мўлжалланган. Бунинг учун ишлаб чиқаришни кенгайтираман, албатта.

Ҳозир 100 хил сифатли мебель сотаётган бўлсам, демак, яши келажакда мазкур миқдор янада ошади. Модомки, экспорт имкониятларини ҳам излаш бошлашимиз. Президентимизнинг «...фарзандларимиз минбарга чиқмокда», деган гапини мен уларнинг ҳар бири иқтидори орқали ҳаётда ўз йўлини топиши баробарида иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшаётгани, деб тушундим. Ҳали айтганимдай, ўзига хос дизайнли махсулотларимни экспорт қила олам, менинг катта минбарга чиқганим бўлади. Айни



Муҳбир мулоқазалари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Носир ТОШЕВ, «XXI asr»

ИШ БИЛАНГА МИНГ ТАНГА

Ҳақиқат қиёсаларда кўринади, дейдилар. Аслида ҳам шундай. Тарих гувоҳ: Ўзбекистон мустақилликкача собиқ шўро давлатининг чекка, қолоқ ўлкаларидан бири саналар эди. Энди-чи, ўз қадр-қиммати, миллий аъёнларини қайта тиклаб, барча соҳада жаҳон ҳамжамияти билан тенг-тег қадам ташламокда. Ўтган давр мобайнида одамларнинг онгу тафаккурда юз берган туб сифат ўзгаришлари ижтимоий-сиёсий ислохотларини янада жалдлаштириш имконини берапти. Бугун қўлимизни қайсида ҳам қўйсангиз, бошқис-нес-режаларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормокда. Айниқса, тарққийётнинг «ўзбек модели» дунё микёсида кенг эътибор элтимокдаки, бу билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Энг катта бойлигимиз эса юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилолликдир.

Шу боисдан бўлса керак, хоржий инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ошиб бормокда. Кейинги беш йил мобайнида иқтисодиётимизга жами 67 млн. доллар миқдорда сармоа киритилганини маъмурий билан таъкидлаб ўтиш жоиз. Натижада янги ички махсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари 8 фоиздан юқори бўлиб келмокда. Ўтган қисқа давр мобайнида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини изчил ривожлантириш ҳисобидан худудларда 5 миллионга қўшимча иш ўрни барпо этилганлиги янада қувонарлиқдир. Собиқ иттифоқдаш республикалар билан қиёсаларда, бу энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Давр, замон олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда. Шунини ҳисобга олиб, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан бир қатор қонунлар, қонуноти ҳужжатларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган эди. Эндиликда улар агаросаноат тизимини тубдан ислох қилиш ҳамда оптималлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмокда. Бу эса мавжуд ер-сув, моддий-техника ресурсларидан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик даражасини ошириш имконини бераптир.

Илгари мамлакатимиз туманларида 80000 та фермер хўжалиғи фаолият юритган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 101000 тадан зиёдроқни ташкил этапти. Таъкидлаш жоизки, оптималлаштириш (мақбул-

лаштириш) сиёсатидан биринчи навбатда қишлоқ мулкдорларининг ўзлари манфаатдор бўлишмокда. Яъни тармоқда молия-хўжалик бошқаруви енгиллашиб, мавжуд ер-сув ресурсларидан унумли ва тежамкорлик билан фойдаланиш учун зарур шарт-шароит вужудга келмокда. Ушбу янгилик қисқа фурсат орасида ўз афзаллигини намойён этиб улгурди. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида 2015 йили ўтказилган «Ёш фермер» қўриқ-танлов натижалари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Танлов, бу аввало, синов. Избосанлик фермер Азизбек Дамонов унда муваффақиятли ўтиб, ҳакамалар хайъати қарорига асосан олий ўринга лойик топилиди. Ишга янгича ёндашув, бурҷада садоқат, ташаббускорлик — ёш мулкдорни эл-юртга танитаётган хислатларидир. Унинг «Жонобод чорваси» фермер хўжалиғи кўп тармоқли бўлиб, ҳозир бу ерда 37 киши доимий иш билан банд. Полына ва Австриядан келтирилган 157 бош насли қорамоли зооветеринария талаблари асосида парваршилан ҳисобига юқори махсулдорликка эришилапти. Ўтган йили мавжуд 19 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 70 центнердан сара ҳосил ештирилди. Богдорчилик ва асалари-чилик эса жамоага қўшимча даромад келтирмокда. Молиявий манбалар ҳисобидан бир кеча-кундузда 4 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган замонавий цех барпо этилди. Харақатда — баракат, деганлари шу бўлса керак.

Қўринадик, юртимизда ишлаётган, яраган, деган одам учун ҳеч қандай монелик йўқ. Аксинча, уларнинг иланишлари, хайрли ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ўз вақтида зарур ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатишмокда. O'zLiDePнинг Сайловотида дастурида ҳам ушбу масалага кенг ўрин ажратилганлиги бежиз эмас. Зеро қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида аграр секторини жалд ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, ички бозорни озик-овқат махсулотлари билан тўлдирish бугун ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир. Аслини олданда, мулк ва мулкдорлик тўғрисида миллатимиз учун беғона эмас. Шу ҳақда гап кетар экан, негадир менинг хаёлимга «Яхшидан боғ қолади», «Иш биланга минг танга» каби сермаъно ҳикमतлар келаверади. Улар кеча ёки бугун тўкиб чиқарилгани йўқ. Балки йиллар, асрлар оша янаб келмокда. Шунинг ўзи халқ даҳоси билан яратилган ҳар қандай соғлом фикр эзулик ва доминандлик тисмоси эканлигиндан далолат беради. Шукр, истиқлол шарофати билан

жамиятимизда ижтимоий адолат қарор топиб, барча моддий ва маънавий бойликларимиз яна бағримизга қайтмокда. Мана, бир мисол. Илгари не машаққатлар билан ештирилган пахтаимизнинг атиги 8-10 фоизни маҳаллий шароитда қайта ишланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 98 фоизни ташкил этмокда. Бунинг иқтисодий самарасини айтмай қўя қолайлик. Ўзбекистон эндиликда дунё ва миқтоқа бозорларида ҳам ашш эмас, балки тайёр махсулотлари билан кириб бораётганлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди, албатта.

Яна бир муҳим жиҳатта эътибор қаратилик. Ислохотлар самараси ўларок, қишлоқ мулкдорлари бугун фаол ижтимоий кучга айланмокда. Жумладан, бандлик муаммосини ҳал этишда уларнинг ҳиссаси катта бўлаёттир. 2015 йилнинг тўғқис ойи мобайнида дехқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобидан 112,8 мингта янги иш ўрни яратилган. Айни пайтда қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ушбу соҳада банд. Дехқончилик маданиятини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда партияимиз аъзоси саналган фидойи, ташаббускор хотин-қизларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмокда. Олтинарқ туманидаги «Нури обод» фермер хўжалиғи раҳбари Лолаҳон Муродова ана шунлардан биридир.

— Мамлакатимизда эркин фаолият юритиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди у. — Бу эса келажакка бўлган ишончлини мустаҳкамлаб, биз, фермерларни янгидан-янги ютуқларга руҳлантирмокда. Дастлаб 25 гектар майдонда дехқончилик қилардик. Бора-бора экин далаларимиз 420 гектарга кенгайди. Тунган даромад ҳисобидан янги, замонавий техника воситалари сотиб олдик. Эндиликда улар ҳар қандай мушкулларимизни осон қилмокда. Фермер аъланнинг бир вакили сифатида шунини маъмурий билан таъкидлайманки, овоз ва олоқ юртимизда ҳалол меҳнат қилган одам асбоб бўлмайди. Узиндан қиёс.

«Эл-юрт хурмати» ордени, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ходими» унвони билан тақдирланганман. Жамоамиздаги 141 кишининг маоши тайин, рўзғори бут. Ана шунларнинг ҳаммаси учун истиқлолдан, хамшиша халқ дарди ва ташвиши билан яшайдиган Президентимиздан ҳар қанча миннатдор бўлмас арзийди.

ТАДБИРКОРЛИК ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Бугун дунёқарашимиз ўзгариб, «мулк ва мулкдор», «бизнес ва бизнесмен» атмалари онгу тафаккуримизга тобора чуқурроқ сингирб бормокда. Бунга ажа-

бланмаса ҳам бўлади. Негаки, эндиликда маҳаллий саноят, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда белгиланган устувор режа-мақсадларини рўёбга чиқаришнинг бошқа мақбул йўли йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Дунё тажрибасидан ўтган ушбу ноёб тажриба инсоннинг ички салоҳияти ва ақл-зако-ватига таяниши билан муҳимдир. Ўзбекистон ҳам ўзи танлаган йўлдан бориб, ўтган қисқа давр орасида чинакам мулкдорлар мамлакатига айланди. Энг муҳими, уларнинг ваколат ва имтиёзлари тўла қафолатланган. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги бир қатор қонунлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмокда. Дейлик, 2014 йилнинг ўзида худудларда 25 мингдан ортиқ хусусий бизнес субъекти шакллантирилди. Айни пайтда уларнинг яши сони 500 мингтадан зиёдроқни ташкил этмокда.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: «Сўнги йилларда қабул қилинган айрим қонунлар ва Президент фармонлари таркибий ўзгаришлар, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жалд ривожлантириш, бу борада қудай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берилган қонунчилик базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмокда».

Дарҳақиқат, амалдаги қонунлар, энг аввало, инсон ва тарққийёт манфаатларида хизмат қилаётганлиги билан кимматлидир. Ушбу фикрнинг ижобатини ҳар бир вилоят, шаҳар ёки туман мисолида яққол кўриш мумкин. Бошқача айтганда, жойларда кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қудай ишбилармонлик муҳити янги ташаббусларга қанот қағишмокда. Исет, дейсизми? Яқинда бўлишмоқда бир ёзма маълумотнома тушиб қолди. Унда хоразмлик тадбиркор, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, O'zLiDeP аъзоси Арслон Қаландаров фаолияти ҳақида муҳтасар сўз юритилган эди. Одатда ҳар бир инсонни ҳалол меҳнати, амалга оширган эзгу ишлари элга танитиди. Арслон ака ҳам бундан мустасно эмас. Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тугатиб, дастлаб Урганч бирлашган авиогради, кейинчалик «Ўзсельхозтехника» вилоят бошқармаси, Урганч таъмирлаш заводи, «Средатрансгаз» давлат корхонаси вилоят бўлимида турли лавозимларда хизмат

қилиб, ўз соҳаси бўйича бой тажриба тўплади. — Айни куч-ғайратта тўлган навқиронлик йилларим қўшим шўро тузуми даврига тўғри келганидан халитача афсусланиман, — дейди у. — Начора, тақдирини ўзгариштир бўлмайди. Мустақиллик шарофати билан биз каби тадбиркорларнинг кўкрагига шамол теғди. Орузуларимиз бирин-кетин рўёбга чиқмокда. Фаолиятимизни 1991 йилда бошлаганмиз. Бошида «Мини», деб номланган кичик корхонамиз эндиликда «Мини-аккумулятор» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган. Мутахассис-ҳодимлар сони эса 4 нафардан 40 нафарга етди. Давлатимизнинг доимий сўв қувурлари қўйилганини йўлга қўйиш мобайнида 352 4358000 сўмлик ёки 230000 комплект аккумулятор блоклари ишлаб чиқарилди ва «Жиззах аккумулятор заводи» АЖга етказиб берилди. 2015 йилда эришилган натижалар эса янада салмоқдор. Талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқилиб, корхонада махсулотлар турини ишлаб чиқарилиди ва «Ипотеч банк»нинг Хоразм бўлими эса янги лойиҳаларни амалга ошириш учун «Мини-аккумулятор» МЧЖга имтиёзли асосларда 400 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши режалаштирилган.

Чироқ кўтарган одам орқанда юрмайди. Бу, баайни, АҚаландаров сингари беором, изланувчан етакчилар шаънини айтилгандек, назаримизда. У жамоат ишлариде ҳам фаол, ташаббускор. Турмуш ўртоғи билан 5 нафар фарзандини тарбиялаб вонга етказишди. Ҳозирда улар ўзлари танлаган касбларда меҳнат қилиб, оила обрўсига обрў қўшиммокда. Ота ибрати фарзандлар учун ўзинга хос ҳаёт мактабига айланган, десак хато қилмаймиз. Арслон ака маҳалла фаолларидан бири сифатида муҳтождардан ёрдами ва маслаҳатларини аймайди. Кўп йиллик хизматлари инобатга олинди, «Меҳнат шухрати» ордени ҳамда «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Юқорида баён қилинганлар, шубҳасиз, унинг фидойи тадбиркор, тиниб-тинчимас замондошларимиздан бири эканлигидан далолат беради. Илоҳим, орамизда ана шундай динияти, юртпарвар инсонлар қўйлаверсин!

Тадбиркорликнинг захмати билан

Фермерлик ва тадбиркорлик... Ҳа, эндиликда улар тарққийётнинг кўп қанотига айланиб, ҳаётимизга янги маъно ва мазмун бахш этмокда. Кейинги йилларда ҳар қис соҳада амалга оширилган туб ўзгариш ва янгилашлар асрларга татийди, десак алоқ қилишмаймиз. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир. Фаровонлик осмондан тушмаслиги ўз-ўзидан маълум. Унга захматли меҳнат орқалдигана эришлади. Бас, шундай экан, янги — Соғлом она ва бола йилида кўзланган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қўлни қўлга бериб ишлашимиз, эйрат ва ташаббускорликни қўнғил эҳтиёжга айлантиришимиз лозим. Зеро, ўзинг нарварушлаб ўстирган боғинг меваси ҳамма нарсадан азиз ва тотлироқ бўлади!

ТАФСИЛОТ ВА ТАЛҚИН

Тарғибот таъсирчан бўлсин

Айни пайтда халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашида О'zLiDePнинг 20 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 103 нафар депутати фаолият юритмоқда

■ Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

Халқ депутатлари Сайхунбод туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят кенгаши, халқ депутатлари Сайхунбод туман кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва тadbirkорлар қатнашди.

Бугун халқ депутатлари Сайхунбод туман кенгашида О'zLiDePдан сайланган 12, халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг 2 нафар депутати фаолият олиб бормоқда. Улар партиянинг дастурий гоа ва мақсадларидан келиб чиқиб, электротарқатларнинг химоя қилишга алоҳида эътибор бериш баробарида кишлокка саноатни олиб кириш, кичик бизнес ва тadbirkорликни ривожлантириш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган муайян ишларни амалга оширишмоқда.

— Депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчилар ишончини оқлаш учун белгилан-

депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати Улуғбек Ниязов. — Тизимли саъй-харажатлар натижасида фермерлик кишлокда етакчи кучга айланди. Депутатлик назоратининг изчил йўлга қўйилганлиги туфайли кишлоқ мулкдорларининг ютуқлари янада мустахкамланиб, уларни кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда. Шу билан бирга тadbirkорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилляпти. Шунингдек, партия фаоллари томонидан янги-янги корхоналарга асос солинаётгани ёшларни, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш имконини ҳам берапти.

Пухта режа асосида депутатлик эшигувларининг ташкил этилаётгани ҳам туманда амалга оширилаётган ислохотлар самардорлигини таъминлаб, давлат ва жамоат ташкилотлари

диққатга молик.

Мазкур йиғилишда Сайхунбод туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Зокиржон Узоқовнинг ҳам ахбороти тинланди.

— Тумани 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан жами 29,0 млрд. сўмлик 97 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, шунга асосан 2303 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган, — деди нотик. — Бугунги кунда туманда 69 та саноат корхонаси фаолият йўлга қўйилган бўлиб, 6 та янги ана шундай корхона ташкил этилди.

Тумандаги саноат корхоналари томонидан 2015 йилнинг тўққиз ойида жами 77317,2 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, умумий қиймати 18,6 млрд. сўмлик 18 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 736 та янги иш ўрни яратилиш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун тadbirkорларнинг ўз маблағлари хисобидан 5,6 млрд. сўм ва тижорат банклари хисобидан 13,0 млрд. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Йиғилишда сўзга чиққан «Олаий» кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари Сайхунбод туман кенгаши депутати Исмоил Субононов, «Қоржоу» маҳалла фуқаро-хўжалиги раиси, туман кенгаши депутати Ҳўроз Ашуров ва бошқалар таъкидлаганидек, 2013-2015 йилларда вилоятда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, ижро ҳоқимиёти органлари фаолияти усти-



дан депутатлик назоратини ўрнатил, Ўзбекистон Республикаси конунлари ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан режалаштирилган ташкил этишда маҳаллий кенгашлардаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари, доимий комиссиялар иштироки аккол кўзга ташланмоқда. Сессияларда амалий тақлифлар киритишда ташаббускорлик ортмоқда.

Хусусан, кейинги вақтларда депутатлик гуруҳлари йиғилишларида мансabdор шахсларнинг хисоботларини эшитиш орқали иштирокчилар керакли маълумотларга эга бўлишга эришилди.

Шунингдек, тadbirkор катнашчилари Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатидир» номи китобининг мазмун-моҳияти, асарнинг долзарб аҳамияти ҳақида ҳам атрофича фикр юритдилар. Хусусан, китобни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида коллежларда тadbirkорлар ташкил қилиниб, унинг моҳиятини келажак ворисларига етказиш бўйича режалаштирилган бўлиб олинди.

Халқ депутатлари Бағдод туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан туман ҳоқими ўринбосари Й.Бойигитовнинг хисоботи эшитилди.

Ҳоқим ўринбосарининг дастлабки сарҳисоби

Таъкидлаганидек, мамлакатимизда ёши улғу инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, молиявий ва тиббий ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш, навқирон авлоднинг кўп асрлик миллий кадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашда уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори асосида туманимизда бир қатор ишлар амалга оширилди, — деди ўз сўзида ҳоқим ўринбосари. — Бу борада 23 кишидан иборат назорат-таҳлил комиссиясининг фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлат дастури доирасида туманимиз бўйича 36 млрд. 97 млн. сўм ва 90 минг доллар маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Ҳозиргача ушбу режа 92,1 фоизга бажарилди. Яқка-ёнгиз қарилар ва ногиронлар ҳам ғамхўрликдан четда қолишга эришилди. Мисол учун, таниқ-харақат тизими ва юрак-кон томир хасталикларига чалинган отахон ва онахонларга маҳалла тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг иқтисодлаштирилган санаторий-сояломлаштириш муассасаларида даволанишларини таъминлаш учун биргина Бағдод тумани бўйича 318,1 млн. сўм маблағ сарфланди.

Эшитув якунида кўра, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини ҳаёта тағбиқ қилиш, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини қучайтириш юзасидан аниқ нукта назари баён этилиб, мутасадди раҳбарларга тегишли тавсиялари берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан депутатлик гуруҳининг тегишли қарори қабул қилинди.

О'zLiDeP ташаббуси сессия муҳокамасида

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди

■ Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, «XXI asr»

Унда О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан киритилган, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоят ёшларини ватанпарварлик руҳида, юксак маънавиятда, баркамол авлод этиб тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таъкидларга қарши иммунитетни шакллантириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Холматов юртимизда ёшларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, уларнинг билим олишлари, касб-хунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидлади.

Сўнгра бу борада О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури билан таништирилди.

Дастурда депутатларнинг назорат-таҳлил фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, таълим тизими мансabdор шахсларнинг 2016 йил давомида ўқувчи ва талабаларни касбга йўналтирувчи тўғрақларга жалб этиш, спорт билан шугулланишлари учун шароит яратиш бўйича олиб борган ишлари юзасидан халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияларида хисоботларини эшитиш режалаштирилган.

Хусусий мулк — устувор

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан «Давлат бошқаруви тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Президентимиз Ислам Қаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий вазифамиз — жамаиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнини янги босқичга кўтаришдан иборат» номи маърузасининг мазмун-моҳиятини кенг оммага тўшуништириш, Соғлом она ва бола йиллигида долзарб вазифалар, хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

— Конституциямиз суверен демократия давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибиде хусусий мулк устуворлигини мустахкамлаш ва унинг химоясини қароқлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий кадрият ҳисобланган фуқаролик жамаиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши масъул ходими Ойжамол Юсупова. — Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тadbirkорликка кенгроқ жалб этиш мақсадида 100 дан зиёд норматив ҳужжат қабул қилинган.

Юртбошимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатидир» номи китобиде ҳам аёлнинг қайфияти яхши бўлса, аёл ҳаётдан рози бўлса, оила ҳаётдан рози бўлади. Агар оила рози бўлса, маҳалла, бутун эл-юрт рози бўлади. Аёл гузал бўлса — олам гузал, аёл бахтли бўлса — оила, бутун жамяат бахтли бўлади, дейилган бежиз эмас. Суҳбат юқорида зикр этилган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларга уланиб, иштирокчиларнинг савол-жавоблари билан давом этди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

„**Масъул раҳбарлар хисоботларини тинглашдан мақсад мавжуд муаммолар ечимини топишга қўлақлашда сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни атрофича ўрганиш, доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига киритишда янада ташаббускорлик кўрсатишдан иборат.**

ган режа асосида фаолият юритмоқда, — деди йиғилиш бошқариб борган О'zLiDeP Сайхунбод туман кенгаши раиси, халқ

масъулиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 2015 йилда О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ўнга яқин эшигув ташкил этгани

Тadbirkорлик ривожига партия назоратида

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг жойлардаги ижроси хусусида мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг хисоботлари эшитилди.

■ Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

— Йиғилишларимиз кун тартибига кўпроқ партиянинг бош мақсадларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантиришга бутун чоралар билан қўлақлашни, хусусий мулк дахлсизлиги ва мулкдорлар синфи вақилларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш сингари масалаларни киритишга эътибор қаратянимиз, — дейди халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумажид Жўраев. — Зеро, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келгуси йиллар амалга оширишга ислохотларимизни янада қучурлантириш ҳамда уларнинг самарасини қучайтиришда янада юксак босқич бўлишини таъкидлагани бежиз эмас.

Бу ўринда гап иқтисодиётда сифат жиҳатидан туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ва тadbirkорликни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама химоя қилиш, чет эллик шериклар албатта акциядорлари бўладиган янги корпоратив ташкилотларни шакллантириш, мамлакатимиз иқтисодиётида давлат улушини кискартириш, шунингдек, хоржий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш учун барча шароит ва преференцияларни яратиш ҳақида бормоқда. Бундай вазифаларнинг амалга оширили-

115 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Навоий шахри ҳудудида амалга оширилган 27 та лойиҳа асосида салкам 4,4 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиб, 130 тадан зиёд янги иш ўрни барпо этилган.

— Президентимизнинг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва моно-



полиядан чиқариш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасида муайян ишлар қилинди, — деди шу хусусда хисобот берган «Навоий вилоят давлат мулкни ижарага бериш маркази» ДУК директори Улуғбек Жўраев. — Белгиланган Низом асосида вилоятдаги давлат мулки объектларининг умумий сони хисобидан бошланғич нархи ўртача 8 млрд. сўми ташкил этгани ҳолда пасаитириш механизми қўлланилганидан кейинги кўрсаткич ўртача 4 млрд. сўмга тушди. Бундан кўринадик, мазкур давлат мулки объектлари тadbirkорларга 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда тақлиф этилиб, 4 миллиард сўмдан ортик маблағ тежалган. Бундан ташқари, эндиликда давлат мулки объектларини қисмларга бўлиб сотиш ҳамда тўловларни 24 ой (икки йил)гача бўлган муддатда бўлиб бўлиб тўлаш имконияти ҳам яратилди. Иқтисодиётда давлат улушини

стратегик ва иқтисодий асосланган даражагача кискарттириш устувор йўналишлардан бири эканлигини хисобга олиб, жойларда бўш турган, фойдаланилмаётган, стратегик аҳамиятга эга бўлмаган давлат мулки объектлари қайта танқидий хатловдан ўтказилиб, янги хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. 15 та объектда давлат улуши қисман ёки тўлиқ тутатилди. 70 та яроқсиз объект бузилиб, улар эгаллаб турган 5,8 гектар ер майдони 11 та тadbirkорлик субъектига берилди. Сотилиши белгиланган 44 та давлат активининг 18 таси «ноль» қийматда берилиши белгиланди. Объектларнинг барчаси қарийб 22 миллиард сўм ва 720, 3 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритиш ҳамда 700 га яқин янги иш ўрни яратиш шarti билан тadbirkорларга тўлиқ топширилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан мутасаддиларнинг «Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ ҳамда «Ғарбгазтаъминот» УК вилоят филиалида қарорлар ижроси юзасидан кичик саноат зоналарида тadbirkорлик субъектларини жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларга мувофиқ ўз маблағлари хисобидан зарур муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалар қурилишини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар хусусидаги хисоботлари ҳам тинланди.

Йиғилишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия вилоят, туман (шаҳар) кенгаши раислари, ОАВ вакиллари, шунингдек, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

Эшитув катнашчилари муҳокама этилаётган мавзунинг вилоятда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни янада жадал ривожлантириш, қолаверса, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи асосий омил бўлган янги иш ўринлари яратишдаги аҳамияти ниҳоятда долзарблигини таъкидлаган ҳолда фикр-мулоҳазалар ва тегишли тақлифлар билдиришди.

САФДОШЛАР СУХҲАТИ

«ХОРИЖНИКИ ЗЎР» деган тушунчадан ҚУТУЛИШ ВАҚТИ ЕТДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

— Тўрабек ака, тани бошқа дард билмас, дейдилар. Партиямиз ўз масъул ходимларининг айнан мулкдорлар орасидан чиқилиши хохлаши ҳам шундан. Бирор кун йўқ-ки, ё партия вакили, ё тadbirkор сифатида ишбилармонлар билан мулоқотда бўлмасангиз. Шундай экан, бугун улар нимадан хурсанд-у, нимадан хурсанд эмас, деган савол билан суҳбатимизни бошласак.

— Ён-атрофга разм солсангиз, ишнинг кўзини биладиган тadbirkорларимиз дангиллама уйлар кураётгани, чиройли тўйлар қилаётгани, дам олгани чет эъларга бораётгани, зўр-зўр машиналар минаяётганини кўрасиз. Мухтарам Президентимиз сазой-харақатлари, раҳнамолиги шарофати билан юртимизда бизнес юришти учун қулай шарт-шароит яратилмаганида улар шундай тўкин-сочин турмуш кечира олармидилар? Узимдан қиёс: хориждан келтирилувчи ёғоч маҳсулотлари, дастгоҳлар божхона тўловидан озод қилинган. Солиқлар қаматирилган. Булар ҳам чегара эмас. Вақт ўтгани сайин ишбилармонларимиз турли идоралар билан боғлиқ юмушлардан, ортиқча назорат, буйруқбозлик каби тўсиқлардан халос бўлиб бораёти. Бундай ижобий ўзгаришлардан баҳра олмаётган бирор ижтимоий қатлам, бирор инсон бормикан ўзбекистонда? Шунинг учун ҳам партиямиз обрўси банд, шунинг учун ҳам бизни қўллаб-қувватловчилар кун сайин кўпаяпти.

Энди, нимасини айтасиз, иш бор жойда хато-муаммо ҳам бўлар экан-да... Холис бўлайлик: баъзилар хавас қиладиган давлатлардаги бизнесменларнинг ҳам ўзинга яраша дарди, безовта қилаётган ташвиши бор. Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилади.

Кейинги пайтда менга асосан ер ажратиши, коммуникацияларга уланиш, кредит олиш билан боғлиқ масалаларда мурожаат қилишаёти. Аслида булар фақат тadbirkорлар ёҳуд қайсидир идоралар эмас, балки барчамизга, айниқса, маслаҳатчиликка тааллуқли муаммолар. Хусусий сектор манфаатини ҳимоя қилиш учун сиёсий майдонга чиққан O'zLiDeP уларнинг ечимини топишга астойдил ҳаракат қилаёти.

Дўкондор бир дўстим бор. Айтишича, биринчи навбатда хориждан келтирилган ширинликлар, кейин ўзимизники сотиларкан. Нима, бизнингнинг сифати пастроқми? Асло йўқ. Талай бўлжак келинларимиз ота-онасига «хиётнинг мевидан олиб беринг» деб хархаша қилишаёти. Лекин мен — шу соҳада сочи оқарган киши, биламан-ку: бу мамлакатнинг бозоримизга кириб келётган мевелари белгиланган стандартга мос эмас. Кўпчилиги прессланган қоғоздан ясалган. Сирти жимжимдор этиб безаланган, холос. Хуллас, яхшим-ёмоними, хорижий маҳсулотларнинг ишқибози кўп. Нега? Менимча, кўплаб юртдошларимиз онгиди халиям «барибир хорижники зўр» деган тасаввур яшайпти. Узимизнинг бир кинода айтади-ку: «Хўрозқанд чет элники бўлса, этиб ялайди».

Тadbirkорларимиз рекламанинг куч-қудратини хали тўла англаб етмаганга ўхшайди. Ажнابий ишбилармонлар фойдаланиш 50-60 фоизгача рекламга сарфлайдики, бу бежиз эмас, албатта. Илгари ҳам айтганман, яна такрорлайман: кичик бизнес субъектларига реклама бўйича имтиёзлар берилса, нур устига нур бўларди.

Ишлаб чиқаришни, саноатни янада ривожлантиришни зарур. «Савдо-сотиқ билан шуғулланганим афзалроқ», дегувчилар хозир ҳам кўп. Мисол учун, пойтахтимизнинг Ўрқор мавзесиди



10 мингдан зиёд савдога ихтисослашган субъект мавжуд. Ишлаб чиқариш корхоналари эса улардан бир неча баробар кам. Шу каби масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишимиз, бу борада тизимли иш олиб боришимиз даркор.

Тан олиш керакики, локайд, дангаса, боқимондалик кайфиятида юрган тadbirkорлар йўқ эмас. Амалдаги қонунарга итбат қилиш ўрнига «келинг, келишайлик» кабилди иш тутиб, жамиятда айрим иллатлар урчишига улш қўшаётганлар ана шу тоифагагилар ичидан чиқаяпти.

Кувонарлиси, бундай «омилкор»лар тобора камайяпти. Ва бу ижобий ўзгаришларга партия ташкилотимизнинг ҳам меҳнати сингаётганини мамнуният билан эътироф этаман.

— Вилоятлардаги тadbirkорлар билан ҳам доимий алоқасиз. Пойтахт билан ҳудудлардаги бизнес вакиллари муаммолари орасида тафовут борми?

— Назаримда, коммуникация ва транспорт тармоқларига яқинлик, ички ва ташқи бозорларга қилиш, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик, консалтинг хизматларидан фойдаланиши сингари масалаларда бизга анча ўнғай...

— Тошкентда янги-янги хусусий корхоналар очилиши баробарида талаб тadbirkорлик субъектлари ёпилаётгани ҳам. Бунинг сабаблари ўрганилаётганими?

— Хали айтганимдай, корхоналар вужудга келиши, баъзиларининг фаолияти тўхташи — бутун дунёда кечадиган табиий, одатий жараён. Шу йўналишда доимий мониторинг олиб бораёти. Қолаверса, шаҳар статистика бошқармасидан маълумотлар олиб турибмиз. Пойтахтимизда 45 мингга яқин тadbirkорлик субъекти бор. Тахлилларнинг кўрсатишича, ўз ихтиёри билан фаолиятини тўхтатганлардан ташқари қонуналарни яхши билмаслик, талаб-эҳтиёжнинг етарлича ўрганмасдан иш бошлаш, рақобатга дош беролмаслик, пўноқлик, танбаллик, олинган кредитни қайтарма олмаслик ана шундай оқибатларга олиб келётган омиллар ичиди кўп учрайди-гани. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Юртбошимизнинг ўтган йил 15 майдаги Фармони ва унинг асосида ишлаб чиқилган қонун, тadbirkор жониз бўлса, ана шу каби оғриқли нукталарни бартараф этишти. Эътиборлиси, йиғилишларимизда ана шу муҳим норматив ҳужжатлар билан бирга давлатимиз раҳбарининг Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини ҳам чуқур ўрганаёти. Чунки унда туб ислохотлар жараёнлари-

нинг ҳар бир иштирокчиси учун янги йўналишлар кўрсатиб берилди. Хусусан, жамоатчилик назорати институтини янада кучайтириш тўғрисида сўз юритилди. Бинобарин, устувор вазибаларни белгилаб, бажаришга киришдик.

Қийин аҳволга тушиб қолган мулкдорлар билан учрашиб, муаммони ўрганишимиз. Ваколатларимиз доирасида ёрдам беришимиз. Хусусан, депутатлик гуруҳи йиғилишлари, доимий комиссиялар ва сессияларда кўрилиб, ижобий ечим топган масалалар оз эмас. Бу ишларга кенгашимиз аъзолари, БПЛлар, ҳамкор ташкилотлар жалб қилинаёти.

— Тadbirkорлар манфаатини ҳимоялаётган ташкилотлар кўп. Айниқса, Тошкентда. Улар билан ҳамкорлик ҳақида нима дея оласиз?

— Савдо-саноат палатаси, Тadbirkорлик қўллаб-қувватлаш маркази, Марказий банк ва бошқа ташкилотларнинг шаҳар бўлиналари билан биргаликда иш юритаёти. Ҳамкорлигимиз кўпроқ тadbirkорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган турли тарғибот тadbirkорлиги ўтказилишига намоян бўлаяпти.

— O'zLiDeP Тошкент шаҳар ташкилоти, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги депутатларимиз мулкдорлар, сайловчилар ишончини қозонишга эришди, дея ишонч билан айта оласизми?

— Учрашуларда, мулоқотларда тadbirkорлар бизга нисбатан илик муносабат билдиришаёти. Сайловда берилган ваъдаларни бажариш борасида олиб бораётган ишларимиз уларга маъқул. Электорат вакиллари янги тақдирлар, фойдалар билан чиқияёти. Маълумки, одамлар партиядан амалий иш кутади. Шу маънода биргина ёшлар ишлаш йўналишини олиб кўрайлик. Ўтган йилда партиявий лойиҳалар доирасида ишбилармонликка мойилиги бор 208 нафар ёшга 500 млн. сўмдан ортиқ бошланғич сармоя берилишига қўмақлашдик, 700 га яқин коллеж битирувчиси тadbirkорлик субъектларига ишга жойлаштирилди. Бошқа йўналишлар бўйича ҳам шунга ўхшаш яна кўплаб мисоллар келтиришим мумкин.

Шунингдек, ҳеч бир мурожаат эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Аҳоли билан иш олиб бориш ҳақида гап кетганда, партия туман ташкилотлари масъул ходимларига, депутатларга бу борада биз учун иккинчи даражали масала йўқлигини доим уқтираман. Ахир, ҳар бир мурожаат ортда инсон бор. Бориники, тақдир ёки шикоят муаллифи аҳамиятсиз ёки қонуналарни билмаслиги оқибатда қандайдир ноўрин масалани кўтаргандир. Лекин шунда ҳам унинг мурожаати эътибордан

четда қолмаслиги лозим. Унга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши, масалага тааллуқли билимлари оширилиши, дунёқараши кенгайишига қўмақлашиш бизнинг бурчимиз, вазибаларимиз.

2015 йил мобайнида депутатлик гуруҳимиз ва партия ташкилотимизга 600 дан ортиқ ариза, илтимоснома келиб тушди. Уларнинг 82 фоизи ижобий ҳал этилди. Қолганлари, жумладан, асосланмаган, мавҳум мазмунли ва бошқа шу каби мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бу ишларнинг партия обрўси ошишида аҳамияти катта. Дарвоқе, мурожаатларнинг 70-75 фоизи коммунал-مائий масалаларга бевосита алоқадорлигини таъкидламоқчиман.

— Шақ-шубҳасиз, партия тadbirkорлар, фермерларга ёрдам бериши керак. Лекин у фақатгина хусусий секторнинг ҳар-хил муаммолари билан шуғулланганидан ташкилот ҳам эмас. Баъзилар тасаввурда эса партия, депутатлар айнан шунинг учун мавжуддек. Бу икки тушунча орасида чегара қасрда?

— Қушлар боласини учирма қилганда, гарданидан чангаллаб, бирга учмайди. Демокриманки, тadbirkор муаммонинг ечимини аввало ўзи топишга ҳаракат қилин, йўллар, чоралар аxtарсин. Шунда удабурон, чайир бўла боради, маънан руҳан тобланади. Ўткинчи қийинчиликлар — ақлнинг чархи-ю, гайратнинг кайроғи, деган экан донолар. Ҳеч илож тополмас, бизга мурожаат қилин. Ишбилармонлар учун ҳаммаиша эшигимиз очик. Лекин унутмаслик керакики, партиянинг ҳар бир тadbirkорга дастёрлик қилишга имкони йўқ. O'zLiDePнинг асосий вазибаларидан бири — мулкдорлар муаммоларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда тегишли идоралар, қонун ижодкорларига ҳавола қилиш, уларга кенг жамоатчилик диққатини қаратиш, шу тариқа бизнес учун янада қулай муҳит яратишига қўмақлашди.

— Кадрлар масаласи. Партия туман ташкилотларидаги ходимлар савия ва малакаси. Шу ҳақда...

— Барча ходимларимизнинг савияси, салоҳияти кўнгилдагидек, дега олмайман. Уларнинг баъзилари партиявий иш одамдаги куч-қувват, ақл-заковат ва қалб кўриниши бор бўлагини эмас, ҳаммасини талаб қилишини тушунишмайпти. Лекин бу масалани ўз ҳолига ташлаб қўймаганмиз. Изланишимиз. Масалан, ходимларни ўқувларга жўнатаётишимиз, тажрибали ҳамкасбларига бириктиряётишимиз.

— Бир неча ой илгари O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳи шаҳар ташкилоти ва унинг таркибиди тузилмалар фаолиятини ўрганиб чиқилди. Унинг якунларидан қандай ҳуросалар чиқарингиз?

— Бу ўрганишни юқори партия органининг ёрдами, десак, тўғрироқ бўлади. Комиссия фаолияти биз учун бамисоли бир кўзга бўлди. Унда ютуқларимиз ҳам, камчиликларимиз ҳам яққол кўзга ташланди. Ҳуросаларни муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш, камчиликларимизни тузатиш учун йўл-йўриқ сифатида қабул қилдик.

— Айримлар партиявий тadbirkорларнинг расмий, зерикари бўлиб қолаётганини айтишаёти...

— Бу фикрга қўшимайман. Аммо ҳаммага бирдек ёки бўлмаслиги ҳам бор гап. Лекин ёшлар, ишбилармонлар тadbirkорлигини интиқлик билан кутишаёти, олдидан тайёргарлик кўриб қилишаёти. Чунки мулоқотларимиз келиш-мунозараларга йўғрилган ҳолда, очик-ошқора, самимий руҳда ўтаёти.

Беход ИСРОЙЛОВ «XXI asr» суҳбатламиди.



O'zLiDePнинг Бухородаги энг фаол тарғиботчиси

Маълумки, O'zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини аҳоли турли қатламлари, жумладан, ўрта синф вакилларига етказишда жойларда иш олиб бораётган тарғиботчиларнинг муносиб ўрни бор. Зеро, партия сафларини янада кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш уларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан маълум.

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

Ўтган йилнинг август ойида партия Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими ва республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда «O'zLiDePнинг фаол тарғиботчиси» кўрик-танловини ўтказиш юзасидан қўшма қарор қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ташкил этилди. Унда фойдаланган 13 нафар маслаҳатчи партиявий беллашувнинг вилоят босқичида ўзаро куч сынашди.

— Ушбу танлов сиёсий тарғиботчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, жойларда ташвиқот тadbirkорлини кучайтириш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва ёшларнинг ғоявий саводхонлигини ошириш, БПЛлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан муҳимдир, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Фармон Аминов.

Тadbirkор давомда истиқболли партиявий лойиҳаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда фаол катнашаётган тарғиботчилар ўз назарий билим ва амалий кўникмаларини пухта ишлаб чиқилган тақдиротлар шаклида ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳуқуқига ҳавола этилди. Ушбу жараёнда уларнинг омма билан ишлаш, хусусан, мулкдорлар синфи вакиллари-нинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, корхона-ташкilotлар, ўқув муассасалари ҳамда истиқомат жойларига олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тadbirkорли самарадорлигини таъминлаш борасидаги натижаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан O'zLiDeP Қоровулбозор туман кенгаши бошланғич партия ташкилоти етакчиси, «Камолот» ЕИҲ туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Фаррух Рустамов фахрли биринчи ўринга лойик топилди. 2- ва 3-ўринлар эса Когон қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, «Когон» ҚФЙ худудиди партия қўйи бўғини раиси Дилноза Жамолова ҳамда Жондор тумани Ромин қишлоқ фуқаролар йиғиниди БПТ раҳбари, 46-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-марифий ишлар бўйича ўрганибсори Рохила Бозоровга насиб этди.

Танлов якунларига кўра фойли ва совриндорларга O'zLiDeP вилоят кенгашининг фахрий ёрликлари, диплом ва кимматбаҳо совғалари тоширилди.

Архив ҳужжатлари — электрон нусхаларда

Самарқандда «Архив материалларини сифатли сақлаш, улардан фойдаланиш борасидаги янгиликлар ҳусусида» матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Бутунги кунда мавжуд 19 та архив муассасасида 7035 та фонд мавжуд бўлиб, 1 млн. 329 мингдан зиёд турли ҳужжат сақланмоқда, — дейи вилоят давлат архиви худудий бошқармаси бошлиғи Абдиалим Маматов. — Сўнгги беш йилда ҳужжатлар сақланиши сифатини ошириш ва улардан фойдаланиши яхшилаш мақсадида вилоят давлат архиви, Самарқанд туман ва Каттақўрғон шаҳар давлат архивларига замонавий лойиҳалар асосида ҳар бири 100 минг сақлов бирлигидаги ҳужжат сифимдор-

идораларо ҳўжалик ҳисобидати шахсий таркиб ҳужжатлари архивининг биноси қурилишига киришилди. Анжуманда вилоят давлат архивларида ҳужжатларнинг электрон нусхасини яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилиб, биргина 2015 йилда 4499 сақлов бирлигидаги ўта қимматли ҳужжатлардан 115020 та кадр олингани алоҳида таъкидланди. Тadbirkорда ўтган йили вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳамда идораларо ҳўжалик ҳисобидати шахсий таркиб ҳужжатлари архивларига 36 минг 375 та ижти-

« Анжуманда вилоят давлат архивларида ҳужжатларнинг электрон нусхасини яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилиб, биргина 2015 йилда 4499 сақлов бирлигидаги ўта қимматли ҳужжатлардан 115020 та кадр олингани алоҳида таъкидланди.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё!

БИР ИШБИЛАРМОН ВА МЕХНАТКАШДАН: — ҚАНИ, АЙТИНГЧИ, НОЧОР ВА ОЖИЗ КИШИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ? — ДЕБ СЎРАДИЛАР. У КИШИ ШУНДАЙ ДЕДИ: — НОЧОР, ОЖИЗ, ДАН-ГАСА, ЯЛҚОВ ДЕГАНИ ШУНДАЙ КИШИКИ, ОЙЛА БОҚИШ ВА ТИРИКЧИЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ТОПИШГА НОҚОБИЛ БЎЛАДИ. ҲАЙРАТИ КАМ, ҲИМ-МАТИ ЭСА ПАСТ БЎЛИБ, ХОТИНИНИНГ ЁНИДАН ЧИҚМАЙ, УЙДА ЎТИРАВЕ-РАДИ.

Икки-уч кунда 20 млн. фойда

Халқимиз меҳмондўст. Топганини дастурхонга қўйиб, уйга ташриф буюрганларнинг исзатини қилиш азалий урф-одатларимиздан бири саналади. Тўкин дастурхонни эса қандолат маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин.

Дилноза НОМОЗОВА, «XXI asr»

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликнинг ривожланиши натижасида қандолатчилик билан шуғулланувчи тadbirkор хотин-қизлар сафи кун сайин кенгайиб бораётир. Улардан бири Юнусобод туманидаги «Shoh product plus» МЧЖ раҳбари, O'zLiDeP фаоли Назира Исроиловадир.

— 2011 йилдан буён турли ширинликлар ишлаб чиқариб келаямиз, — дейди тadbirkор. — 20 хилдан зиёд миллий пишириқлар, буюртма асосида торлар тайёрлаётишимиз. Ўтган йили Шайхонтоҳур туманида ширинликлар дўконини ҳам очдик. Сифатли маҳсулотнинг харидори ўзи билан деганларидек, мижозларимиз қундан-қунга ортиб

бораётир. Айни пайтда 8 нафар ходим доимий иш билан банд. Турли байрамлар арафасида кўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезамиз. Бундай пайтда шоғирлар доимо ёрдамга шай.

Назира опанинг айтишига караганда, Янги йил байрами кўнлари шартнома асосида 25 ташкилотга 1000 дан ортиқ торт ва ширинликлар тарқатилиб, соф фойда 20 млн. сўмини ташкил этибди.

Бутун мамлакатимизда Назира опа сингари минглаб тadbirkорларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенш шароитлар яратилгани боиси улар сафи йил сайин кенгайиб бораётир.

— Икки йилдан буён ишлаймаман, — дейди Шохиста Ҳақимова. — Аввал 3-4 хил пишириқ тайёрлашни билар-



ди. Бу ерда турли-туман ширинликлар пиширишнинг ўзига ҳам сир-асрорларини ўргандим. Назира опага шоғирд тушганимдан мамнунман. Ишбилармон опанинг орзулари бисёр. Тошкентнинг ҳар

бир туманида биттадан ширинлик дўкони очиб, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва халқимизга манзур маҳсулотларини етказиб бериш — шулардан айримлари, холос.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ўз эҳтиёжини ўзи таъминлаш тараддуди

Мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш орқали аҳолининг фаровон турмушини таъминлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар иқтисодий тармоқларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омили бўлмоқда. Қисқа йилларда бундай салмоқли ютуқларни қўлга киритиш учун тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун солиқ, божхона ва бошқа йўналишларда бир қатор имтиёз ҳамда преференциялар қўлланилмоқда. Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса ишбилармон юрдошларимизни янада куч-ғайрат билан ишлашга руҳлантирди.

■ **Мухриддин НУРМАНОВ,**
«XXI asr»

Айни пайтда сурхон воҳасида 10 миң 757 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаяпти. Вилоят ялпи ички маҳсулотига кичик бизнеснинг улуши 79,1, хизматларда эса 43,2 фоизга етди. Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 2015 йилнинг тўққиз ойида 448,8 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,4 млрд. сўмга кўчди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, ўтган йилнинг дастлабки 9 ойида 210,7 млрд. сўм ва 250 миң доллар кийматидаги 1211 та лойиҳа амалга оширилиб, 9759 та янги иш ўрни яратилди. Қирқка яқин турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар аҳолини арзон, айни пайтда рақобатбардош озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Термиз шаҳридаги «Санджон-Муҳаммадхон музқаймоқлари» маъмуляти чекланган жамияти бунга яққол мисолдир. Мазкур корхона 1 млн.

200 миң АҚШ доллари сарфлаб, энг замонавий технология асосида иш бошлади. Бунгача виллоятта музқаймоқлар Тошкент шаҳри ва қўшни виллоятлардан олиб келинар эди. Янги корхона бу масалага тўлиқ барҳам берди. Аҳолини сифатли маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш учун туманлар марказларида улгуржи савдо шохобчалари ташкил этилиб, юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Корхонада ишлаётганларнинг асосий қисмини коллежаларни битирган ёшлар ташкил этади.

— Ўттиз турдан ортиқ музқаймоқ ишлаб чиқараямиз, — дейди корхона раҳбари Ҳ.Сагатов. — Бу ерда самарали ишлаш учун барча шартнош муҳайё. Шаҳарга узокроқ худудлардан келган ишчилар учун шинам ётоқхона мавжуд. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш тараддуидамиз. Шу мақсадда 250 миң доллар кийматидаги хориж технологиясини ўрнатиб, 15 турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳозирлик қўраймиз. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, яна юздан ортиқ йилгит-киз иш билан таъминланади.

Яқунланган йилда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналардан яна бири — Денов туманидаги «The best oil is south oil» маъмуляти чекланган



жамиятидир. Мазкур корхонада энгил ва юк автомобиллар учун мотор мойлари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда қалар ушбу турдаги маҳсулотлар ҳам виллоятга четдан олиб келинган. Энг муҳими, янги корхонада ишлаб чиқарилаётган мотор мойлари хорижликдан сира қолишмайди.

Вилоят марказида фаолият бошлаган «Сурхон Термиз чинни» маъсуляти чекланган жамиятида янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилишига «Алокабанк» акциядорлик тижорат банки Сурхондарё филиали томонидан ажратилган 7 миллиард 400 миллион сўмлик кредит маблағи жуда қўл келди.

Мазкур корхонанинг замонавий ускуналар билан жиҳозланган кенг, ёруғ цехларида бўлсангиз, ёшларнинг чет давлатларидан қолганидан маҳсулот ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўласиз. Хош бу ерда 150 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилиб, ўндан зиёд турдаги чинни буюмларини тайёрламоқда. Янги жамоа йилига саккиз миллион донадан ортиқ чинни буюм ишлаб чиқариш имкониятига эгадир.

— Тежамкор технологиялар ютуқларимиз омили бўлмоқда,

— дейди мазкур МЧЖ ижрочи директор Р.Незьматуллаев. — Бежирим буюмларимизга бошқа виллоятлардан ҳам буюртмалар келиб тушаяпти. Келгусида маҳаллий бозордан ортан қисмини экспорт қилиш ниятимиз бор.

Бир пайтлар аграр ҳудуд хисобланган виллоятда кичик бизнес корхоналари томонидан озик-овқат, чарм-пойфалал, эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари, курилиш материаллари, фармацевтика маҳсулотлари, кўмир брикетли каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётгани, хизмат кўрсатиш салмоғи ва сифати ўсаётгани қувонарли, албатта. Бирок виллоятда 1 миң 668 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатган ҳам бор гап.

— Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, — дейди Савдо-саноат палатаси виллоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х.Абдураулов. — Фаолиятини тугатаётган аксарият кичик бизнес субъектлари эгаларида соҳага оид билим ва кўникмалар етарли эмас. Натижанда бошланган иш узокка бормаяпти. Чунки бизнеснинг ўзига хос қонун-қоидалари бор. Муаммога барҳам бериш учун жойларда соҳага илк кадам

ташлаётган тадбиркорлар учун ўқувлар ташкил этиб, уларнинг кўникмаларини мустаҳкамлашга эътиборни қулайтиряймиз.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозим: маҳаллий хокимиятлар кўпинча тадбиркор учун ер майдони ажратишга етарлича эътибор қаратмаяптилар. Айрим тижорат банкларида кредит оломкичи бўлганлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилинаётганидан ҳам кўз юлиб бўлмайди. Айни пайтда республика ялпи ҳудудий маҳсулотига виллоятнинг саноат маҳсулотлари ҳамда истеъмол моллари улуши нисбатан камлиги ҳам воҳада кичик бизнеснинг катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганидан далоятлардир. Ваҳоланки, Сурхон воҳаси табиий ер ости ва ер усти бойликлари сероб ҳудудлардан биридир.

Ўйлаймики, янги йилда мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиб, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш ва воҳа ободлигини таъминлашга бел боғлаган тадбиркорлик субъектларига эътибор янада кучайтирилади. Янги-янги иш ўринларини яратишдек эзгу ниятдаги инсонлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Миллий матбуот марказида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» ва «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

«Kafolat»дан кафолатли кўмак

Унда «Kafolat sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти му-тасаддилари мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш, иқтисодлашган ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, ташкилий-техник шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва миқозларга қўлай жойларга хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ба-тафсил ахборот беришди.

Жумладан, «Kafolat sug'urta kompaniyasi» АЖ томонидан мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта муқофоларини ҳисоб-лаш ҳамда тўлиқлаш шартномаларини тўғрितилиши назоратга олиш мақсадида марказизан компьютер дастури ишлаб чиқи-либ, барча бўлинмаларга ўрнатилгани миқозларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бошлангандан буён икки миллионга яқин суғурта полиси сотилганига эътибор қаратилди.

— Яқунга етган 2015 йилда суғурта тўловларининг деярли 70 фоизи Тошкент шаҳрида амалга оширилди. Чунки пойтахтлик транспорт воситалари эгалари бошқа миқозларга кўра мажбу-рий суғурта тизимининг афзалликларини эрта тушуниб етишди. Улар йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда ўз ҳуқуқларини фойдаланмоқдалар, — дейди жамият раиси Саидомил Насретдинов.

Мулоқот давомида «Иш берувчининг фуқаролик жавобгар-лигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун ҳодимининг меҳнат вазибаларини бажарини жараёнида унинг ҳаёти ва соғ-лиғига етказилган зарарни унририш, иш берувчининг мулкий ман-фаатларини ҳимоя қилиш, ҳодимларнинг меҳнат шартношларини замон талабларига мос равишда яхшилашга хизмат қилаётгани таъкидланди. 2015 йилда ушбу суғурта тури бўйича 6,75 миллиард сўмдан зиёд суғурта муқофоти туширилди. 470 дан ортиқ ҳодиса асосида суғурталанган шахсларга 12,4 миллиард сўм тўланди.

2018 йилга қадар 65 та лойиҳа

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси томони-дан аҳоли ва даволаш-профилактика муассасалари-ни кенг турдаги дори воситалари билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини тақомиллаштириш бо-расида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

■ **Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Таъкидлаш керакки, ком-пания республика фармацев-тика бозорига катор йиллар-дан бери самарали фаолият юритиб келмоқда. Бутунги кунда унинг таркибида 8 та акциядорлик жамияти, 12 та МЧЖ, 15 та назорат-тахлил лабораторияси ҳамда турли худудларга 1381 та дори-хона-си бор. Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида 6,5 миң квадрат метр майдонга эга бўлган, халқаро стандартлар-га тўла мос келадиган фар-мацевтика оембери, Гулистон шаҳрида логистика маркази куриб битказилди. Бу эса доришунослар учун катта ку-лайлик яратмоқда.

— «Дори-дармон» акси-ядорлик компанияси мазкур тармоқдаги улгуржи-чакана корхоналаридан биридир. Мав-жуд дориҳодаларнинг етимиш фоздан кўпроқ кишлоқ худ-удларида жойлашган, — дейди компания раиси Абдуғани Ко-милов. — Хусусан, кўчма дори-хоналар фаолияти йилдан-йилга кенгайтириляпти. 14 та махсус жиҳозланган «SUZUKU» русули изотермикавтофургон, «Damas» русули 50 та автомобиль чека-хулудларга зарур дори восита-

ларини ўз вақтида етказиб бер-моқда. Натижанда жорий йил-нинг ўзида 4 миллиард сўмдан кўпроқ дори воситалари савдо-си амалга оширилди.

«Дори-дармон» АК маҳал-лийлаштириш дастурини ҳаёт-га таъбиқ этишга ҳам муносиб ҳисса қўлиб келяптир. Жўма-дан, компаниянинг Самарқанд шаҳридаги «Integra DD» маъсу-ляти чекланган жамиятида 10 турдаги дори воситаларини тай-ёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 100 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда маҳсулот турларини қўлайти-риш ва ишлаб чиқариш кўлами-ни ошириш, халқаро сифатни бошқариш тизимини жорий этиш юзасидан изланишлар олиб боришмоқда.

Маълумки, ҳақон тиб-биётида доривор ўсимли-клардан олинган шифобахш воситаларга талаб-эҳтиёж ҳам-иша катта бўлган. «До-ри-дармон» ҳам 2018 йилга қадар ушбу йўналишда 65 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирган. Жўмадан, ўсимлик хомаёсини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича қўшимча корхоналар, мах-сулот санқландиган янги ом-борхоналар барпо этиш мўл-жалланмоқда.

Огоҳлик

Пойтахтимиздаги миллий матбуот марказида ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакил-лари иштирокати одам савдоси ва бу иллатга қарши жойларда олиб борилаётган профилактик тадбирларга бағишланган анжуман ташкил этилди.

Одам савдосига қарши кураш — долзарб масала

■ **Нигора НИШОНБОВА,**
«XXI asr»

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Д. Аллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан агрофилча фикр юритдилар. Жўмадан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонидаги яраштирув комиссияларининг хизмати катта бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Самарали чора-тадбирлар аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, жиноятни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш, худудларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



— Ҳуқуқ-тартибот органлари билан жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик кучайтирилишидан барчамиз манфаатдоримиз. Бу, аввало, фуқароларнинг ҳокимият институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради, — дейди Ички ишлар вазириликни Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори, майор Ҳ. Назаров. — Жўмадан, одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, бу иллат оқибатларини минималлаштириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки шунга ўхшаш одатлар, инсон аъзолари ҳамда тўқималарини ажратиш олиш каби жиноятларга чек қўйиш бутунги кунда ҳар қачонгидан долзарб масаладир. Ҳуқуқбузарлик соҳасида амалга оширилган махсус профилактик чоралар натижасида одам савдоси билан шугулланувчи 400 нафардан зиёд шахс аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Тадбирда аҳоли, айниқса, воёга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни қулайтириш ҳамда одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада тақомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Божхона бекати

Пост ҳам янги, уй ҳам

Тошкент виллояти божхона бошқармаси «Янгийўл» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ва Қорақалпоғистон Республикасидаги «Даут ота» чегара-божхона постининг янги бинолари, шунингдек, «Даут ота» постида хизмат қилаётган ходимларнинг оилалари учун бунёд этилган янги хонадонларнинг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

— Бу ерда божхоначилар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси катта инспектори Полюнов Манғитов. — Енгил ва юк автомобилларини сканер қилувчи назорат қурилмалари ўрнатилиб, хизмат фаолияти тақомиллаштирилган.

Сахро ўртасида қад кўтарган хизмат уйининг фойдаланишга топширилиши эса божхоначилар учун ўзига хос байрам тухфаси бўлади. 32 хонадондан иборат мазкур 2 бавайти уй услуби ва яратилган шарт-шароитлари жиҳатдан тахсинга сазовордир. Бу ерда 7,2 млрд.

сўмлик қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мамлакатимизнинг шимолий дарво-засида барпо этилган «Даут ота» чегара-божхона пости Устюрт платосига ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Юксак эътиборнинг намунаси сифатида бунёд этилган «Янгийўл» ТИФ божхона постида божхоначиларнинг самарали хизмат кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерда божхона расмийлаштиру-ви ва божхона кўригини амалга оши-рувчи ходимлар учун шинам хоналар, замонавий мебель жиҳозлари, энг

сўнгги русумдаги ахборот технология-лари юксак даражада божхона хизмати кўрсатилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Божхона постида тадбиркорлар учун экспорт ва импорт операцияла-рини амалга оширишда «Бир дарча» механизми йўлга қўйилган. Электрон декларациялаш амалиётининг жорий қилинганлиги эса тадбиркорга ўз идо-расидан чиқмасидан туриб, божхона органларига божхона юк декларацияси ва бошқа тегишли ҳужжатларни так-сидим қилиш имкониятини бермоқда.

Реклама ўрнида

Республика бўйича 118 та

Мамлакатимиздаги қўлай инвестиция муҳити чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва жалб қилинаётган хорижий сармоялар салмоғини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса экспортбон ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, энг муҳими, янги иш ўринлари ташкил этиш ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш демакдир.

Давлат аҳамиятига молик улгуржи экспортда янада қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида 118 та агрофирма мақсадида ташкил этишга киришилди. Жамғарманинг яқин кўмагида ташкил этилаётган мазкур агрофирмалар кўйндаги хиз-матларни тақлиф этади:

— қайта ишланган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўй-ича ташқи ва ички бозорлар маркетингини ўтказиш, жўмадан, хорижий бозорларда қайси турдаги кишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларига талаб борлиги, уларнинг навлари, бозорларга кириш шартлари-ни ўрганиш;

— маҳаллий фермерлар-нинг талаби ҳамда ташқи бозорларни ўрганиш на-тижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорларни уруғ, қўчат, ўғит ва бошқа зарур восита-лар билан таъминлаш;

— кишлоқ хўжалиги мах-сулотларини етиштириш лар топиш ҳамда экспорт шартномалари тузиш;

— маҳсулотларни ташқи бозорларга етказиш учун са-марали логистика тизимини ташкиллаштириш;

— мева-сабзавот махсус-лотлари ва узум етиштириш

— республика экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қи-лиш.

Кўрсатиладиган хизмат-лар рўйхатини яна давом эт-тириш мумкин.

Жамғарма томонидан ўтқа-зилган кенг миқёсдаи маркетинг

тадқиқотлари шунини кўрсата-дики, импортчилар ва йирик хорижий савдо мажмуалари мева-сабзавот маҳсулотлари-ни харид қилишда биринчи навбатда етказиб берувчининг ишончлигини, йил давомида узлуксиз равишда маҳсулот билан таъминлаш олиш қоби-ляти, ташқи иқтисодий фео-лиятда етарли иш тажрибаси ҳамда юқори малакали ходим-ларга эгалити каби омилларга эътибор қаратишди. Жамғар-ма кўмагида ташкил этилаёт-ган агрофирмалар юқоридаги барча талабларга жавоб бери-ши ва йил давомида ташқи бо-зорларга бир меъёрида маҳсулот етказиб бериш орқали юқори нақшларда шартномалар тузи-ши ҳамда қўшимча даромад ҳисобига экспорт салоҳияти-ни ошириш имкониятига эга бўлади.

Жамғарма томонидан ўтқа-зилган кенг миқёсдаи маркетинг

Хизматлар лицензияланган.

